

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 28 февраль • № 9 (978)

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ВА КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШДА «Соғлом бола йили» Давлат дастури муҳим аҳамият касб этади



Мамлакатимизда 2014 йил "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши баркамол авлодни вояга етказишда, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, жисмонан соғлом, маънавий етук фарзандларни тарбиялашда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Буни шубҳасизки, кунги кеча қабул қилинган "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида» Қарор мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бинобарин, юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Давлат сиёсатининг мақсадли йўналишлари доирасида ўзбек моделининг ишлаб чиқиши – босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирлар ва уларнинг келажаги истикболини белгилашда, "Соғлом юрт – соғлом миллат" тушунчасининг бош тиббий омил сифатида шаклланишига кенг замин яратди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари – қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, аввало, қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Бу борада муҳтарам Юртбошимизнинг соҳага оид

чиқараётган Фармон ва Қарорлари замирида ҳам инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари мужассамлиги бу – жамиятимиз тараққиёти янада юксалиб бораётганидан далолатдир.

2014 йил – Соғлом бола йили

Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда даволаш-профилактика муассасаларини тубдан янгилаш, модернизация қилиш ва уларни замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартла-

рига тўла мос келади. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Албатта, бу каби қувончли ва фахрланса арзийдиган ютуқларимизни кўплаб келтириш мумкин.

Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Соғлом бола йили"

Давлат дастурини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, оналик ва болаликни химоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Дастурни ўрганиб чиқар эканмиз, маърузада келтирилган барча устувор вазифалар ушбу ҳужжатда тўла-тўқис ўз ифодасини топган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини

(Давоми 2-бетда).

Семинар

Жорий йилнинг 24 февралдан 13 мартгача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган турли даражадаги раҳбар ходимларнинг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидаги фаолиятини амалдаги меъёрлар асосида ташкиллаштириш юзасидан билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш учун ўқув семинари ташкил қилинди.

ДАВР ТАЛАБИ: ТАШАББУСКОРЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК

Бирламчи тиббий санитария ёрдами ҳар томонлама кучайтириш аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширадиган омил ҳисобланади. Бу ишлар самарадорлигини ошириш мазкур тизимда фаолият юритаётган раҳбарга боғлиқ. Ташаббускор, талабчан, қолаверса ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган раҳбар давлатимиз томонидан тизимга оид чиқарилаётган қарор ва фармон, Соғлиқни сақлаш ва-

фикрларимизнинг ифодаси намоён бўлади. Дарҳақиқат, тиббиёт шундай соҳаки, унда кун сайин янгиликлар, изланиш ва кашфиётлар яратилиб, уларни амалда татбиқ қилиш ҳар бир тиббиёт ходимиغا катта масъулият юклайди. Раҳбар ҳамда соҳа мутахассислари ўз билим ва тажрибасига эга бўлмоғи бунинг учун улар вақти-вақти билан ўз малакаларини ошириб боришлари зарур. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент



зирлигининг буйруқларидан доимий хабардор бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини қўл остидаги тиббиёт ходимлари ҳамда аҳолига чуқур еткази олиши керак. Чунки унинг замирида инсон манфаати ва саломатлиги, турмуш фаровонлиги мужассам эканлигини ҳар биримиз яхши биламиз. Шундай экан, ушбу қарор, фармон ва буйруқларнинг амалдаги ижроси бажарилсагина юқоридаги

врачлар малакасини ошириш институти, "Саломатлик-3" лойиҳаси ва бир қанча ташкилотлар томонидан мутахассислар малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари, узлуксиз таълим жараёнлари давом эттирилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш

(Давоми 4-бетда).

Хурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бериб келётганлиги қувонарли, албатта. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимига қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Маълумки, газетаимизда «Савол беринг – жавоб берамиз» рукни остида мутахассислар билан мулоқот олиб боришмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий санитария ёрдами ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

2014 йил – Соғлом бола йили

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ВА КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШДА

«Соғлом бола йили» Давлат дастури муҳим аҳамият касб этади

мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган. Шубҳасизки, бу соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлигини таъминлашдек улкан масъулиятни юклайди. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваломбор, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга бўлган эътибор кучайтирилади. Бу ўринда бола тарбиясида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш муҳим ўрин тутиши таъкидланган.

Дастурда аввало ҳам жисмонан, ҳам маънан етук, соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг микёсдаги чоратадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Биринчи на-

давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги ва бошқа Қонунлар шулар жумласидандир. Масалан, "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилади. Табиийки, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам мазкур жараёнда фаол бўлишга, олдимизга қўйилган вазифаларни тўла адо этишга киришади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Қирғизбоев**.

Дастурда хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталикларини ташкил этиш, шунингдек, етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилган.

Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш

тути клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жарроҳлик корпуслари, даволаш бинолари ишга туширилди. Албатта, юртимизда педиатрия хизмати тобора такомиллаштирилиб, репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, самарали перинатал ёрдам, чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси, болалар касалликларини даволашга оид дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Республикада МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб "Она ва бола скрининги" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани даволаш муас-



Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насл тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одабийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади. Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, унинг жамият ҳаёти ва ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий асослар



вбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

– Дастурнинг дастлабки бобида саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Хусусан, "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида", янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид

учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чоратадбирлар амалга оширилади. МДХ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражаси) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 та вилоят кўп тармоқли болалар тиббий маркази, 62 туман тиббиёт бирлашмаси ва бошқа тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

– Таъкидлаш ўринлики, Тошкент педиатрия тиббиёт инсти-

тутути клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жарроҳлик корпуслари, даволаш бинолари ишга туширилди. Албатта, юртимизда педиатрия хизмати тобора такомиллаштирилиб, репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, самарали перинатал ёрдам, чақалоқларнинг бирламчи реанимацияси, болалар касалликларини даволашга оид дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Республикада МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб "Она ва бола скрининги" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани даволаш муас-



кубида йод моддаси бўлган дори-дармон воситалари билан хавф гуруҳидаги болалар соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитамин билан бепул таъминланади. Яъни ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар кўлами яна изчил давом эттирилади.

Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бундай олижаноб мақсадлар болаларимиз саломатлигини сақлаш ва уларни соғлом вояга етказишдек масъулиятли вазифани бажаришга ундаши табиий. Мазкур дастурнинг бажарилиши эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва унинг манфаатлари таъминланишига, амалга ошириладиган ислохотларнинг самарали бўлишига замин яратади.

Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муносабат

АСОСИЙ МАҚСАД: ЖАМИЯТДА СОҒЛОМ
ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ

Ҳар бир депутат сайловчиларига яқинроқ бўлишга ҳаракат қилади. Бундай интилиш мунтазам ўз сайлов округларида электорат вакиллари билан тез-тез учрашишни таъозо этади. Шундай ният билан яқинда Чортоқ сайлов округига бордик. Шаҳар аҳолиси билан учрашув миннатдорлик сўзлари билан бошланиб, чортоқликлар юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган ишларга катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидладилар. Айниқса жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилинганлиги ҳам фарзандларимизнинг келажадаги орзу-умидлари ҳамда Ватанимиз равиога йўлидаги эзгу мақсадли ишларнинг ёрқин ифодаси эканлиги дастурда ўз аксини топган.

Хусусан, «Ёшлик» кўчасида истиқомат қилувчи Машраповлар оиласи аъзолари телевидение орқали намойиш этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбарининг сўзларини гуруҳ билан гапириб беришди. Юртбошимиз ҳар бир оилани соғломлаштиришда қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда оила шифокори аҳамиятига катта эътибор қаратиб, бугун одамлар оила шифокорининг олдиға эмас, балки шифокор оилалар соғлиғидан хабар олаётганини қайд этди. Учрашувда сайловчилар Президентимизнинг ушбу сўзларини ўз турмушида, ҳаётида кўриб, ҳис қилиб турганини айтишди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, тизимдаги ёндашувларни тубдан ўзгартиришга қаратилган босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда Юртбошимизнинг фармон ва қарорлари, ишлаб чиқилган давлат дастурлари муҳим дастуриламал бўлди. Эл саломатлиги йўлида доимий равишда олиб борилаётган бундай ишлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Чунончи, Ўзбекистонда бирламчи тиббий-санитария ёрдамлари кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли

тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди.

Буларнинг барчаси оилалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган: оиланинг ҳар бир аъзоси соғлом ҳаёт кечириши, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, соғлом бола туғилиши, яъни «Соғлом она – соғлом бола» миллий дастурини изчил рўйбга чиқариш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Маълумки, инсон соғлиғи нафақат ташки муҳитнинг у ёки бошқа таъсири, турли тушқунликлар, инфекциялар, иқлим шароитлари, балки атрофдаги, биринчи ўринда оиладаги муҳит билан узвий боғлиқдир. Оилавий поликлиникалар ана шу омилларни англаган ҳолда ўз иш фаолиятини амалга оширишлари мақсадга мувофиқ. Зотан, айнан шундай муносабат энг самарали тиббий хизмат тизимининг тамал тоши бўлиши керак. Умуман, мана шу тамойил мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, 1996 йил 26 августда қабул қилинган «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунда давлатимиз фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эга экан-

ликлари белгиланган. Қонунда ҳар бир оила ўзига оилавий шифокор танлаш ҳуқуқига эгалиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мос аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув ва хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг илғор шакл ҳамда усуллари жорий этиш мақсадида Президентимиз томонидан 2011 йил 28 ноябрда «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатни бажариш мақсадида юртимизда оилавий поликлиникалар тизими яратилмоқда. Бундай муассасалар – диагностика ва даволашни ташкил этишда янги, илғор йўналиш бўлиб, оила аъзоларининг барчасига тиббиёт ва консултатив ёрдамнинг уйғунлиги, аъъанавийлиги ва мунтазамлигидир.

Оилавий поликлиника тармоқларида замонавий тиббиёт технологиялари, соҳа аъъаналари, илғор тажрибалар, инновациялар уйғунлашиб кетган. Тиббиётнинг энг охириги ютуқлари асосида жиҳозланган поликлиникалар беморларга аниқ ташхис қўйиб, самарали даволаш амалиётини олиб бормоқда. Оилавий поликлиника аҳолини тиббий-психологик, жисмоний ҳолатини кўриқдан ўтказиш, касалликларни эрта аниқлаб, уни самарали даволаш, оилаларда тиббий маданиятни оширишнинг мустаҳкам институтига айланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 83 та оилавий поликлиника мавжуд. 2016 йилга қадар 155 та оилавий поликлиникани очиш мўлжалланмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида оиланинг ҳар бир аъзосига соғлом бўлиш, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашга ёрдам беради, унинг турмуш даражаси ва сифатини оширади.

Тизимнинг ташкилий-услубий

асослари ҳам шакллантирилгани диққатга сазовордир. Хусусан, оилавий поликлиника фаолиятининг асосий йўналиши – профилактикага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун ҳар бир оилавий шифокор ва патронаж тиббий ҳамшира ўзига бириктирилган ҳудудларда оилаларни кўриб чиқади, уларнинг тиббий-ижтимоий, оила аъзоларининг жисмоний ва психологик ҳолатларини ўрганади. Аҳоли ўртасида эмлаш, она сути аҳамияти, юқумли касалликларнинг олдини олиш, жамиятда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш каби мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар ташкил этапти, беморларни кўриқдан ўтказиш ва бевосита уйда зарур муолажаларни амалга оширмоқда.

Соғлом бола йилида «оила – мактаб – оилавий поликлиника» ҳамкорлигини оширишга қаратилган ишлар янада кучайтирилади. Шу мақсадда ҳар бир оиланинг соғлом турмуш тарзини янада юксалтиришда оилавий поликлиникаларнинг ролини ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ҳар бир инсон ўз соғлиғига, энг аввало, ўзи масъул эканлигини янада чуқур англашига замин яратади. Шунингдек, оиланинг ҳар бир аъзоси спорт, соғлом овқатланиш, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этишига эришиш лозим.

...Чортоқ сайлов округидаги учрашувларга қайтамиз. Уларда ҳамюртларимиз катта ифтихор ва мамнуният билан яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратдилар.

– Президентимизнинг: «Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари соғ-саломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шугулланиши керак», деган сўзлари қалби-миз тубидан жой олди, – деди

Шундай экан, юқоридаги фикрларга хулоса қиладиган бўлсак, олдимиздаги эзгу ниятларимизни ҳамкорликда амалга ошириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

Тадбир

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ БИРЛИГИ

2014 йилнинг 24-28 февраль кунлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг клиник визуализация усуллари бўйича ўқув марказида вилоятлар бош рентгенологлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг тиббий радиология кафедраси ўқитувчилари учун рентгенология ускуналари ва дигитайзерларни самарали ишлатиш бўйича беш кунлик ўқув семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинар асосан, «Саломатлик-3» лойиҳаси ва GiZнинг «Ўзбекистонда шифокорлар ва тиббий ходимларни замонавий юқори технологияли ускуналар билан ишлашда малакасини ошириш» лойиҳалари кўмагида амалга оширилди.

Барчамизга маълумки, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги туман тиббиёт бирлашмаларидан 110 таси CR 30-X компьютер рентгенография ускуналари билан жиҳозланмоқда. Албатта бундай замонавий аппаратларда ишлаш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳа мутахассисидан

чуқур билим ва тажриба талаб этади. Шундай экан, мазкур ўқув марказида барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган бўлиб, айна кунда билим ва тажрибаларини бойитган туман тиббиёт бирлашмаларининг бош рентгенологлари замонавий аппаратларда ишлаш учун янада чуқур маълумотларга эга бўлдилар.

Марказда қўлланилаётган мавжуд интерактив ўқув услуби қатнашчиларга юқори технологияли ускуналарнинг қўйидаги янги имконият ва устунликларини ўрганишга ёрдам беради:

- юқори сифатли тасвир ва унумдорликни таъминлайдиган, тушунарли ва самарали CR қўлланмадан фойдаланиш;
 - MUSICA – интеллектуал тасвирни кўриб чиқиш (процесслаштириш);
 - эксплуатация учун кам харажат ёндашувни қўллаш;
 - кўчирма ускуналарда эксплуатациянинг ихчамлиги;
 - мосламанинг тармоқ ичида ишлаш хусусияти унинг тинимсиз мураккаб тизимларга киришини таъминлайди.
- Шунингдек, кейинги босқичда туман рентгенолог мутахас-



сисларни тайёрлаш учун ўқув курси бош мутахассисларга педагогик билимларни олиш имкониятларини беради. Навбатдаги ўқув курслари Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Нукус шаҳри-

да барпо этилаётган врачлар малакасини ошириш марказларида бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда.

Анвар САМАТХОДЖАЕВ.
Муаллиф олган сурат.

Семинар

ДАВР ТАЛАБИ:
ТАШАББУСКОРЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК

тизимида фаолият юритаётган турли даражадаги раҳбар ходимларнинг билим ва малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. 18 кунлик ўқув семинарида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиника координаторлари иштирок этмоқдалар. Режа бўйича ўқув семинари вилоятлар кесимида 2 кундан белгилаб олинди. Мазкур семинарни ўтказишдан асосий мақсад, бирламчи тизимда меъёрий ҳужжатларни тўғри юритиш, ходимлар иш юкмасини белгилаб олиш, шунингдек аҳоли саломатлигини муҳофазалаш ва профилактика ишларини олиб боришни кучайтиришдан иборатдир. Шунингдек, ўқув семинарида туман/шаҳар тиббиёт бирлаш-



мақсад вазирлиқнинг 2013 йил 17 майдаги 161-сонли, 13 ноябрдаги 380-сонли, 31 декабрдаги 456-сонли, 2014 йил 13 январдаги 11-сонли буйруқларининг республика соғлиқни сақлаш тизимидаги бирламчи бўғинда қандай ижро этилаётганлиги, унинг мақсад ва моҳияти инсон саломатлиги учун

мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Шунингдек, ечимини кутаётган муаммолар қаторида бирламчи тизимдаги тиббиёт муассасаларининг айримларида кадрлар етишмаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Семинар иштирокчиларининг мазкур йўналишда билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида вазирлик тасарруфидаги бошқарма бошлиқлари ва етакчи мутахассислар томонидан долзарб мавзуларда савол-жавоб мулоқотлари ўтказилди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш Бош бошқармаси мутахассиси Барно Одилова семинарда иштирок этиб, бирламчи бўғин фаолиятининг асосий мақсади аввало, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш экан, бу борада шифокорлар профилактик тадбирларни ўз вақтида ташкил қилишлари, эмлаш, антенатал кўрик, диспансер назорати, болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги, чуқурлаштирилган тиб-

такмиллаштириш бўйича ўз тақлифларини киритишларини сўради.

Шу билан бирга, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини вазирлик томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосан ташкиллаштириш ҳамда вазирлик томонидан тасдиқланган

лифлар муҳокамаси», «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан тайёрланган клиник қўлланмаларни татбиқ қилиш», «Туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбар кадрларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги бўйича аттестация масалалари», «Кардиологик касалликлар диагности-



малари бошлиқларининг амбулатор поликлиника хизмати бўйича амалга ошираётган ишлари юзасидан ҳисоботлар муҳокама қилиб борилмоқда. 24-25 февраль кунлари ушбу ўқув семинарида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, амбулатор-поликлиника хизмати бўйича ҳамда умумий амалиёт шифокори бўйича бош мутахассислари қатнашиб, кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар бўйича ҳисобот бериш билан бир қаторда ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини ўртага ташлашди. 26-27 февраль кунлари эса Қашқадарё ва Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасадди раҳбарлари бирламчи тиббий-санитария тизими фаолиятида ечимини кутаётган муаммолар бўйича ўз тақдиротлари билан иштирок этдилар.

Ўқув семинарида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяровлар иштирок этиб, бундан кўзланаётган асосий

қай даражада муҳим эканлигини таъкидлади. Тиббий санитария тизимида, яъни оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида меъёрий ҳужжатлар талаб даражасида эмаслиги, аҳолининг ушбу шифо масканларига қатнов камлиги ва айрим касалликлар ўз вақтида доимий назоратга олинмаслиги, ҳокимият, маҳалла ҳамда хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликдаги ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли оилаларда кўнгилсиз ҳолатлар юзага келмоқда. Шу билан бирга, раҳбарлар томонидан тизимдаги юқори ташкилотларга тиббий статистик маълумотларни нотўғри тақдим қилиш, тиббий кўрик ҳужжатлари нотўғри тўлдирилиши, касалликлар ўз вақтида рўйхатга олинмаганлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари туман тиббиёт бирлашмалари ва қишлоқ врачлик пунктларида олиб борилаётган ишлар бўйича ўз ҳисоботларини тақдим этиш билан бирга, мавжуд муаммолар хусусида фикр ва

Шу билан бирга, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини вазирлик томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосан ташкиллаштириш ҳамда вазирлик томонидан тасдиқланган 212, 161, 456, 380, 11-сонли буйруқларнинг мазмун-моҳияти ва улардан қўллаётган натижаларга батафсил тўхталиб ўтдилар.

бий кўрик, исталмаган ҳомиладорлик, юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича оилалар, маҳаллалар, ўқув муассасалари ва ташкилотларда олиб бориладиган санитария-тарғибот ишларига эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Вазирлик мутахассиси Барно Одилова республикамиздаги бирламчи тиббий санитария муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш доимий мониторингини амалга ошириш учун вазирликда марказий штаб ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилгани, улар доимий мониторинг олиб бориш жараёнида амалий ёрдам бериши зарурлигини таъкидлади. Семинар давомида иштирокчилар томонидан очиқ мулоқот тарзида бирламчи бўғин йўналишида учраётган жиддий камчилик ва муаммолар ўртага ташланди. ТТБ раҳбарлари бу борада аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатишни

212, 161, 456, 380, 11-сонли буйруқларнинг мазмун-моҳияти ва улардан қўллаётган натижаларга батафсил тўхталиб ўтдилар.

Шу ўринда таъкидлашимиз муҳимки, куннинг биринчи ярмида семинар иштирокчилари томонидан фаолиятлар бўйича ҳисоботлар тингланиши билан бирга, тиббиёт муассасаларидаги мавжуд камчилик, муаммо ва тақлифлар ўртага ташланган бўлса, куннинг иккинчи ярмида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда айрим ташкилот раҳбарлари долзарб мавзулар бўйича маърузалар қилишди. Айниқса, «Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш», «ҚВП иш режаси таҳлили», «Туман/шаҳар тиббиёт бирлашмасининг таркибий тузилмасини тасдиқлаш ва тегишли ўзгатиришлар киритиш бўйича так-

каси, даволаш ва назоратни ташкиллаштиришнинг замонавий усуллари», «Туман/шаҳар тиббиёт бирлашмасида ин-формацион технологияларни татбиқ қилиш ва ривожлантириш масалалари», «ҚВПларни дори-дармон билан таъминотини яхшилаш мақсадида консолитар харидларни ташкиллаштириш ва дори-дармонларни мақсадли ишлатиш» каби мавзулар семинардан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар фаолиятда нечоғлик муҳим эканлигини кўрсата олди десак, муболаға бўлмайди. Семинарда яна бир асосий масала – даволаш-профилактика муассасаларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур мавзуда ҳам мутахассислар томонидан ўзаро фикр алмашилди.

Вилоятлар кесимидаги ушбу ўқув семинари ўз иш-ни давом эттиради.

Хулоса ўрнида айтиш муҳимки, шаҳар ва вилоятлар кесимида ўтказилаётган мазкур ўқув-семинар Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва вилоятларaro иштирок этаётган мутахассисларнинг ўзаро фикр алмашуви доирасида уларнинг фаолиятларидаги тажриба кўламини бойитишда пухта замин яратди.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Соғлом авлод – Ватан келажаги

ҚАЛБИ ЛИБОСИДЕК ПОК АЁЛЛАР

Умида Самарқанд таянч тиббиёт коллежида ўқиган чоғларида бир қатор тиббий муассасаларда амалиёт ўтаб, билим ва малакасини оширди. Айниқса, вилоят перинатал марказидаги амалиёт даври унинг келгуси ҳаёт йўлини белгилаб олишида муҳим аҳамият касб этди.

– Мазкур марказдаги иш жараёни бошқа тиббий муассасаларга нисбатан бироз мураккаб, – дейди Умида Бозорова. – Чунки бу ерда асосан патологик туғруқлар амалга оширилиб, она ва болага энг тезкор, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш талаб этилади. Даволанаётган ҳомиладор аёллар саломатлигига ҳам доимий назорат ва эътибор зарур. Бу эса марказда меҳнат қиладиган барча тиббий ходимлар – тажрибали шифокору яқинда иш бошлаган ҳамширадан ҳам ўз ишига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Амалиётнинг дастлабки кунлариданоқ марказдаги устозларим ишга ана шундай муносабатда бўлиш зарурлигини ўқитишди. Қизғин иш жараёни, турли ҳолатдаги оналар ва янги туғилган гўдакларга ёрдам кўрсатиб, уларнинг саломатлигини тиклашга ҳисса қўшиш ўзимга ҳам маъқул келди. Шу боис ўтган йили коллежни битиргач, ушбу марказга ишга қабул қилиндим. Айни пайтда чақалоқлар реанимацияси бўлимида ҳамшира бўлиб ишлаяпман.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом фарзандларни камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда юртимиз тиббиётида мутлақо янги тизим бўлган перинатал, скрининг, репродуктив сало-

матлик марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу орқали ўсмир қизлар, туғруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ёш оналарнинг саломатлигини доимий назорат қилиб бориш, уларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда соғлом фарзандлар дунёга келишига эришилмоқда.

2008 йилда ташкил этилган Самарқанд вилоят перинатал марказида оғир акушерлик патоло-

нинг билим ва малакасини ошириш учун махсус курслар фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, вилоятдаги туғруқ мажмуалари ва қишлоқ врачлик пунктларига ташкилий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

– Президентимизнинг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарори асосида



гияси ва экстрагенитал касалликлари мавжуд аёллар, ҳомиладорлиги оғир кечган оналар, шунингдек, эрта туғилган чақалоқларга тиббиётнинг илғор технологиялари ёрдамида юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Мазкур муассаса аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича вилоятдаги таянч марказ ҳисобланиб, бу ерда шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари-

муассасамиз фаолияти такомиллаштирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, – дейди вилоят перинатал маркази директори ўринбосари Гулнора Зокирова. – Жумладан, 2010-2011 йилларда марказ тўлиқ реконструкция қилиниб, беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шaroитлар яратилди. Айни пайтда мавжуд акушерлик, гинекология,



ҳомиладорлар ва чақалоқлар патологияси, катталар ва гўдаклар реанимация бўлимлари, 240 қатновга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган. Бундай имкониятлар патологик туғруқларнинг хавфсиз кечиши, оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш, эрта туғилган чақалоқларни самарали даволаш имконини бермоқда.

Бугунги кунда марказда фаолият кўрсатаётган саксон нафарга яқин врач ва 180 нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимининг асосий қисми хотин-қизлардир. Улар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратиш, ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳам муассаса маъмуриятининг

доимий эътиборида.

– Киши ўз иш жойига талпиниб, яхши кайфиятда келсагина зиммасидаги вазифани кўнгилдагидек бажариши мумкин, – дейди марказ врач-неонатологи Ҳабиба Бозорова. – Бунда, албатта, муассасадаги меҳнат шароити, ходимларнинг бир-бирига самимий муносабати муҳим аҳамиятга эга. Марказимизда шундай муҳит мавжудлиги учун ҳар куни ишхонамизни соғиниб келамиз. Энг муҳими, хотин-қизларимизга оналик бахти насиб этиши, оилаларга фарзанд қувончи кириб боришига гувоҳ бўлаётганимиз, бунга оз бўлсада, ҳисса қўшаётганимиздан бахтиёрмиз.

Куни кеча мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти нечоғлик эканлигини юракдан ҳис этиб, фарзанд оила қувончи, жамият таянчи бўлиши, унинг соғлом, илмли ва иродали улғайиши нафақат ота-она, балки давлатимиз сиёсатининг эзгу мақсадларидан бири эканлиги биз янада масъулият билан ишлашимизни тақозо этади.

Ғ. ҲАСАНОВ ЎЗА олган суратлар.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ – ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида ҳар томонлама соғлом авлодни камолга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек олижаноб мақсад мужассам. Бу борада Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.



Ўн саккиз ёшгача бўлган ўғил-қизларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган шифохона ўтган йили замонавий бинога кўчиб ўтди. Марказ фаолияти кенгайиб, хирургия, реанимация, ортопедия, пульманология, гастроэнтерология, кардиоревматология, неврология бўлимлари қаторига офтальмология ва урология ҳам қўшилди. Бош шифокор Аъзам Абдураззоқовнинг айтишича, тажрибали тиббиёт ходимлари кўрсатаётган сифатли тиббий хизмат туфайли болалар орасида учрайдиган касалликларни ўз вақтида даволаш ва олдини олишга эришилмоқда. Марказ ташаббуси билан Соғлом бола йилида вилоятда соғломлаштириш ҳафталиклари ўтказилмоқда. Яқинда Тошлоқ ва Ёзёвон туманларида марказ шифокорлари болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган



тиббий кўрикдан ўтказишди.

Бундай эзгу мақсадли ишлар фарзандларимиз саломатлиги ва келажагига қаратилган экан, уларнинг бардавомлиги ошиб боришига шубҳа йўқ.

СУРАТЛАРДА: Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидан лавҳалар.

Муқимжон ҚОДИРОВ ЎЗА олган суратлар.

Я. Ш. Марупов, проживающий в г.Самарканде, и группа пенсионеров проходили лечение в Республиканской глазной клинике офтальмологии в г.Ташкенте. Эта больница является одной из образцово-показательных. В палатах чистота и порядок. Территория больницы утопает в зелени и

Благодарность
Спасибо за заботу и участие

создает позитивную атмосферу, которая поднимает настроение больных.

Нас лечили врачи и медсестры, уде-

ляя внимание каждому больному, они оказали медицинскую помощь на высоком уровне.

От всего сердца благодарим до-

цента кафедры Н. Норматову, зав. отделением Ф. Ганиеву, врачей Р. Алиеву, Р. Илясову и других. Хорошо, когда рядом живут такие отзывчивые, добросовестные, высокопрофессиональные врачи.

Ш. МАРУПОВ, г.Самарканд.

Ислохот одимлари

Олмазор туманидаги 14-оилавий поликлиника Президентимиз ташаббуси билан 2004 йил 29 августда қурилиб, фойдаланишга топширилган. Тиббиёт маскани жамоаси 34 минг нафардан зиёд фуқарога малакали тиббий хизмат кўрсатади. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, поликлиниканинг шифокор ва ҳамширалари аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида самарали ва ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

СОҒЛИҚНИ БОРИДА
АСРАГАН МАЪҚУЛ

Малакали тиббиёт ходимларидан ташкил топган бу жамоа маҳаллалар билан ҳамкорликда патронаж ишларини йўлга қўйиш ва беморлардаги касалликларни ўз вақтида аниқлаб, уларга малакали тиббий ёрдам

вахфсиз эмлашни ташкил этиш, вирусли гепатитнинг В тури бўйича хушёрликни ошириш мақсадида тиббиёт ходимлари учун ташкил қилинган касаллик клиникаси, ташхиси ва даволаш мавзуларига доир семинарлар



кўрсатиш, тиббиёт ходимларининг касбий малакалари оширилишига алоҳида аҳамият беради. Айниқса, Соғлом бола йили муносабати билан туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан сифатли ўтказиш, ёш оналар мактабиде ҳар бир ҳомиладорни, айниқса ёш оналарни туғруққа тайёрлаш, маҳаллаларда савол-жавоб кечаларини ўтказиш ишлари янада кучайтирилди. Соғлом онадан – соғлом фарзанд туғилиши йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган поликлиника жамоаси ҳар соҳада бутун эътиборини она-бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий моделига таянган ҳолда изчил ва режали асосда олиб бормоқда.

– Худудимиздаги 8 та маҳалладаги 4 мингта хонадон ва 5 ярим мингдан зиёд оилага тиббий хизмат кўрсатамиз, – дейди бош шифокор Дилдора Қаюмова. – Поликлиникамизга қарашли болалар сони 6700 га яқин, ўсмирлар эса 1546 нафар. Худудда 3 та мактаб ва 6 та мактабгача тарбия муассасаси бор. Миллий эмлаш кунларида

ўтказиб турилади. Яқинда поликлиника ходимлари 400 нафар болажонни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди.

Қаердаки, ишлар намунали йўлга қўйилган бўлса, аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада қисқариб боради. 14-оилавий поликлиникада ўнга яқин турдаги мутахассислик бўйича шифокорлар фаолият юритишмоқда. Поликлиника қошида Тошкент педиатрия тиббиёт институти педиатрия ва реабилитология кафедраси, Тошкент тиббиёт академияси кафедраси профессор ва доцентлари ўқув-машғулот хоналарини ташкил этишган бўлиб, жойида услубий-амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Касалликларни аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишда рентген, УЗИ, лаборатория, физиотерапия, гастрофиброскоп диагностика апаратларидан унумли фойдаланилмоқда.

Даврон АХМЕДОВ.

СУРАТДА: умумий амалиёт шифокори Мактума Тўрахўжаева ва ҳамшира Азиза Ҳайитова.

Муаллиф олган сурат.

Савол беринг – жавоб берамиз

ПЕШОБ ТУТА ОЛМАСЛИК

Биз аёллар кўпинча фарзандларимиз ҳақида гаплашсак, кечаси ёки кундузи боланинг сийиб қўйиши ҳақидаги мавзуга тўхталамиз. Бу қандайдир касаллик турими ёки шунчаки гапми?

Камола ЧОРИЕВА,
Сурхондарё вилояти, Жарқўргон тумани.

Инсоннинг танасида сийдик йўллари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у кеча-кундуз бир текисда ишлаб туриши ва пешоб ҳайдаши керак. Сийдик йўлларида кўпчилик билмайдиган касаллик турлари учрайди. Шулардан бири пешоб тута олмаслик касаллигидир.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, ушбу хасталик ўғил болаларнинг 15-26, қизларнинг эса 7-12 фоизда учраб экан. Ёш ўтган сари бу кўрсаткич нисбатан пасайиб бориши кузатилади.

Хасталик кундузги, тунги ва

аралаш турларга бўлинади. Болалар орасида тунги пешоб тутолмаслик ҳолати нисбатан кўпроқ учрайди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар 5 нафаридан бирида кузатиладиган бундай ҳодисани 2 ёшгача бўлган болаларга қарата айтиб бўлмайди. Кичик ёшдаги болада буни ташвишга соладиган ҳолат, деб қарамаслик керак. Ёши каттароқ болаларда учрайдиган ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари бир қанча: гижжалар, томоқ-қулоқ ва бурундаги шамоллаш жараёни, авитаминозлар, неврозлар, сийдик-таносил тизими-

даги орттирилган ёки туғма норасоликлар, умуртқа поғонасидаги нуқсонлар, ўта толиқиш ва ҳоказо.

Пешоб тутолмасликни даволашда касалликнинг сабабини аниқлаш зарур. Бунинг учун беморни ҳар тарафлама муаммал урологик текширувдан ўтказиш керак. Пешоб чиқариш каналида клапанлар бўлиши, уруғ дўмбоқчаси катталашishi, қовуқ бўйинчаси мушаклари склерози, олат кертмаги тешигининг торайиши ва яллиғланиши, қовуқ шамоллаши ҳам пешоб тутолмасликнинг асосий сабабларидан бўлиши мумкин.

Касалликни даволашда, албатта, урологга мурожаат этиб, зарурий муолажаларни ўз вақтида олиш касалликни бартараф этишда катта аҳамиятга эга бўлади.

СОННИНГ ТУҒМА ЧИҚИШИ

Айрим болаларда соннинг туғма чиқиши кузатилади. Шу ҳақда тўлиқ ва батафсил маълумот берсангиз.

Феруза БЕКНАЗАРОВА,
Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Новқа қишлоғи.

Бу касаллик кўпинча болаларда кузатилиб, сон суягининг бошчаси чаноқ суягининг чуқурчасидан чиқиб кетиши билан кузатиладиган туғма нуқсонга айтилади. Бу нуқсон чаноқ суягининг чуқурчаси, сон суягининг бошчаси, бўғим пардаси ва боғламлари ҳамда атроф тўқималардаги мушаклар фаолияти бузилиши билан боғлиқ ҳолда кечади. Соннинг туғма чиқиши муайян бир ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, иқлим ва миллий анъаналарга бориб тақалади. Осиё ва Африка давлатларида аёллар боласини сиқиб йўргаклаб қўймасдан оёқлари орасини ёзган ҳолда орқасига ёки ёнига кўтариб юришади. Бу эса чаноқ-сон бўғими яхши ривожланиши учун шароит тудиради. Чақалоқни сиқиб йўргаклаш одат тусига кирган айрим давлатлар, масалан, Грузияда бу кўрсаткич ҳар 1000 нафар чақалоқнинг 9 нафарига тўғри келади. Кўпгина ҳолларда соннинг бир томонлама чиқиши кузатилиб, бу нуқсон ўғил болаларга қараганда қизларда 5 баробар кўп учрайди. Бу касаллик баъзан авлоддан авлодга ўтиши ҳам мумкин.

Хўш, касалликда қандай клиник белгилар кузатилади, бу ҳақда ҳар бир киши билиб қўйса, ёмон бўлмасди. Бир қанча белгилар борки, уларни уй шароитида ота-оналар ўзлари ҳам текшириб кўришлари мумкин.

Биринчи белги. Болани чалқанчасига ётқизиб, сони билан болдирини тўғри бурчак остида букиб, ён томонга тортганда, чиқиб кетган сон суяги бошчасининг ўрнига тушишини билдирувчи қирсиллаган овоз эшитилади. Буни бола ҳаётининг илк ойларида аниқлаш мумкин.

Иккинчи белги. Соғлом боланинг сони ён томонга 90 градусгача танадан узоклашиши мумкин. Соннинг туғма чиқишида эса бунинг имкони йўқ.

Учинчи белги. Янги туғилган чақалоқнинг сонларидаги бурмалар симметрик, яъни бир тўғри чизикда бўлиши керак. Бу хасталикда булар бир тўғри чизикда жойлашмайди.

Тўртинчи белги. Сон суяги чиққан томондаги оёқ соғлом томондагига қараганда калта бўлади. Буни сантиметрлик тасма билан қиёсий ўлчаш мумкин.

Бешинчи белги. Сон суяги чиққан томондаги оёқ соғлом

оёққа нисбатан ташқарига қараган бўлади.

Ота-оналар фарзандларида ана шу белгиларни сезсалар, асло бефарқ ва лоқайд бўлмай, шошилиш равишда мутахассисга мурожаат қилишлари керак. Агар бу ҳолатга безътибор бўлишса, бола кеч ҳаракатланади, ҳатто дастлабки қадамларини 1,5-2 ёшида қўйиши мумкин. Сони чиққан бола оқсоқланади, икки томонлама сон чиқишида эса "ўрдак"симон юриш кузатилади. Бунинг таъсирида умуртқа поғонаси ҳам ўзгаради, касал оёқ ташқарига буралган бўлади. Шунинг эса дутуш керакки, касалликни даволашда вақт бирламчи ўрин эгаллайди. Шифокорга қанчалик кеч мурожаат қилинса, даволаш шунчалик оғир ва асоратли кечади. Агар бола ҳаётининг илк ойларида даволаш бошланса, 100 фоиз ижобий натижага, биринчи олти ойда бошланса, 70 фоизни, бир ёшлигида бошланса, тузалиш 40 фоизни ташкил қилади. Демак, қанчалик эрта ҳаракат қилинса, дардни даволаш шунчалик осон кечади.

Муштарийларимиз
саволарига
врач-педиатр
Гавҳар ҚАҲҲОРОВА
ва Тошкент тиббиёт
академияси магистранти
Нодир РЎЗИМУРОВ
жавоб берди.

ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Ногиронлар жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидир. Юртимизда уларнинг яшаши, меҳнат қилиши учун етарли ҳуқуқий база яратилган, улар доимо давлат эътиборида. Бу борада Шовот туманларо тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясида ҳам бир қанча ибратли ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили меҳнат фаолияти билан боғлиқ тушунтириш ишларини намунали ташкил этиш, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимидан пенсия ва нафақа олиб келаётган ногиронларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида саломатлиги яхшилانган, меҳнат фаолияти тикланган фуқароларнинг ногиронлик гуруҳлари бекор қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасалари, Пенсия жамғар-

малари, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан олиб борилган ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Ногиронлик кўрсаткичларида ижобий ўзгаришларга эришилди. Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилиб, улар учун реабилитация воститалари ва протез-ортопедик маҳсулотларга тавсия берилиб, имкони борица таъминланмоқда.

Тиббий муассасаларда ногиронларни яқка тартибда реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК врачлари томонидан назоратга олиниб, аниқланган хато ва камчиликлар поликлиника врачлари билан муҳокама қилинмоқда.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти Шовот туманларо
99-сонли ТМЭК раиси.

ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ

УЛАР АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Кўнғирот туманларо 4-сонли тиббий-меҳнат эксперт комиссияси ўз фаолияти жараёнида реабилитация масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аҳоли ўртасида ногиронликни ўз вақтида аниқлаш ҳамда белгилашда "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тушунтириш ишлари туфайли ҳудудда ногиронликнинг олдини олиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Шундай тадбирлар ҳисобига аҳоли ўртасида ногиронлик кўрсаткичлари камаймоқда.

Рустам ТУРУМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Кўнғирот туманларо 4-сонли ТМЭК раиси.

Актуальная тема

ОДНО ИЗ ЛУЧШИХ ЛЕКАРСТВ
ОТ СТРЕССА И ДЕПРЕССИИ

В суете будней мы вынуждены часто совмещать работу, семью, решать проблемы. В результате так мало времени остаётся на развлечения и отдых, что приводит к накоплению стресса и ухудшению нашего здоровья. Для того, чтобы улучшить наше эмоциональное и физическое состояние, психологи всего мира настоятельно советуют больше шутить.

Задумывались ли вы хотя бы раз над тем, какую роль в нашей жизни играет смех? Наверное, далеко не каждый задавал себе этот вопрос. А ведь смех играет немалую роль в жизни людей. Благодаря смеху очень серьёзные и неразрешимые на первый взгляд проблемы вдруг становятся не такими уж страшными, плохое настроение само по себе проходит, депрессия прекращается, и на горизонте вновь появляется какая-то надежда.

Для того, чтобы поднять самим себе настроение, рекомендуем чаще смотреть комедии либо фильмы, которые вызывают у вас лишь положительные эмоции. По возможности ходите на комедии в театр, на КВН, комедийные постановки. Смех поможет вам хоть на время забыть о ваших проблемах, избавиться от негативных эмоций, что в любом случае благотворно отразится на вашем самочувствии.



Позволяйте себе чаще побыть на время ребёнком, подурчиться, покататься на качелях в парке, прокатиться с горки на санках, поесть чего-то сладкого, поиграть в детские игры. Чаще шутите над собой и другими (только по-доброму, без сарказма). Ведь наверняка вам приходилось попадать в смешные ситуации, так чаще вспоминайте их и шутите вместе с вашими коллегами и друзьями.

Можно также подшучивать над определенными привычками окружающих вас людей, главное, чтобы это никого не обижало.

Регулярно посещайте сайты с анекдотами. Анекдоты у всех людей с чувством юмора вызывают лишь смех, задор, хорошее настроение. Зачитывайте наиболее смешные анекдоты вашим близким, знакомым, друзьям, смейтесь вместе. Пробуйте себя в новых сферах, которые вас привлекают. Всё новое приносит в нашу жизнь лишь позитивные эмоции, радость, смех, интерес. По этой причине рекомендуем пробовать себя в новых сферах, посещать курсы, находить себе новое хобби, чаще радуйте других приятными подарками, встречами, сюрпризами. Ведь даря радость и смех другим, взамен мы получаем двойную радость. Делайте больше добра, будьте внимательны к окружающим, и вы получите большой позитив настроения и удачи в делах, в семье.

Ведь пять минут смеха продлевают жизнь!

Подготовила Малохат НАЗАРОВА.

Советы специалиста

О КОЖНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ

БОРОДАВКИ

Бородавки – вирусное заболевание кожи и слизистых оболочек. Представляет локализованную доброкачественную гиперплазию эпидермиса и проявляется папулами или бляшками. Возбудитель – вирус папилломы человека различных типов.

Заражение происходит контактным путем. Без лечения бородавки существуют годами. Основная жалоба – косметический дефект. При подошвенных бородавках – ощущение инородного тела и боль во время ходьбы.

Элементы сыпи: плотные папулы диаметром 1-10 мм, вначале гладкие, через несколько недель (месяцев) поверхность покрывается роговыми наслоениями, вегетациями, возможны трещины. Под лупой видны черно-коричневые точки, представляющие собой затромбированные капилляры. Цвет папул не отличается от окружающей кожи.

Локализация – легко травмируемые участки, т.е. кисти, пальцы рук, колени.

Диагноз ставят по клинической картине.

Лечение. Аппликации 10-20%-ным молочнокислым коллоидом. При крупных бородавках – 40%-ный салициловый пластырь. Криодеструкция, электро- или лазеркоагуляция. Хирургическое лечение.

УГРИ ОБЫКНОВЕННЫЕ

Угри – воспалительное заболевание сальных желез и волосяных фолликулов с хроническим рецидивирующим течением. Развиваются на фоне себореи и изменения химического состава кожного сала. Различают обыкновенные (вульгарные) угри, шаровидные, индуративные, абсцедирующие. Чаще встречаются обыкновенные угри, возникающие у юношей и девушек в период полового созревания.

Клиническая картина

Обыкновенные угри характеризуются появлением вокруг комедона воспалительного узелка небольших размеров. В центре этой папулы вскоре формируется пустула. При вскрытии выделяется небольшое количество гноя, который сохнет и образует корку. Инфильтрат на месте узелка рассасывается медленно, оставляя небольшое пигментное пятно, который ссыхается и образует корку. Инфильтрат на месте узелка рассасывается медленно, оставляя небольшое пигментное пятно или мелкие рубчики. Общая картина вульгарных угрей пестрая: жирная кожа лица, спины, груди, расширенные поры сальных желез, черные точки (комедоны), фолликулярные пустулы в различной стадии развития, гнойные и кровянистые корочки, пятна розового цвета, мелкие рубчики.

Диагностика различных форм угревой сыпи не представляет затруднений: основана на типичной локализации процесса, клинической

картине и возрасте больного.

Дифференциальный диагноз. Розовые угри, стафилококковый фолликулит, грибковый фолликулит, ангиофибромы при туберозном склерозе.

Лечение и уход. Функцию вегетативной системы нормализуют препаратами кальция, транквилизаторами, бромкамфорой, беллоидом. Контролируют функцию желудочно-кишечного тракта, назначают диету с ограничением жиров, углеводов и поваренной соли. Необходимо ликвидировать очаги хронической инфекции. Весьма полезны регулярные занятия физкультурой и спортом, достаточный сон. Широко применяют витамины группы В, ультрафиолетовую терапию. Наружно назначают (утром и вечером) обезжиривающие и антибактериальные спиртовые растворы борной или салициловой кислоты.

Системное лечение: антибиотики (тетрацилин, эритромицин); ретиноиды (изотретионин) при тяжелых абсцедирующих угрях; гормональные средства (для подавления андрогенов – оральные контрацептивы; глюкокортикоиды).

ПЕДИКУЛЕЗ

Педикулез – это паразитарное заболевание кожи, вызываемое вшами. В основном развивается при неблагоприятных гигиенических условиях.

Этиология. Головные вши (*Pediculus humanis capitis*) – наиболее часто поражают девочек и женщин любого возраста. Заражение происходит от больного человека через головные уборы, заколки для волос, расчески, при непосредственном контакте с больным. Вспышки педикулеза чаще всего регистрируются в школах, детских садах, санаториях, летних лагерях. Вне хозяйства головная вошь может оставаться жизнеспособной около 55 часов.

Платяные вши (*Pediculus humanis corporis*) или *Pediculus humanis vestimentis*. Заражаются неопытные взрослые, реже дети. Возбудитель паразитирует в местах соприкосновения складок и швов белья с телом (плечи, верхняя часть спины, подмышечные впадины, живот, поясница, пахово-бедренные складки). Помимо расчесов и пиодермидов, на пораженных участках кожи длительное время остаются пигментные пятна: они возникают из-за разрушения гемоглобина в местах кровопроизлияний, обусловленных действием слюны вшей.

Лобковые вши (*Pediculus pubis*) – встречаются обычно у взрослых, переносятся при половом контакте. Возможно заражение через общую постель, мочалку, полотенце, что может наблюдаться у детей, но этот путь передачи встречается редко.

Эпидемиология. Головные вши (*Pediculus humanis capitis*) – болеют в основном дети (чаще девочки).

Анамнез. Больных беспокоит зуд, особенно сильный на затылке и за

ушами. Дети беспокойны, неусидчивы, невнимательны в школе.

Клиническая картина. Головная вошь – цвета ржавчины, ее можно увидеть невооруженным глазом или под лупой. Гниды – овальные, серовато-белые яйца вшей, покрытые защитной оболочкой и снабженные крышечкой, имеют длину около 0,5 мм, прочно прикреплены к стержню волоса у его корня. Количество гнид может достигать несколько тысяч.

Элементы сыпи: на затылке и шее – экскориации, корки и вторичное импетиго нередки и могут распространиться на лоб, лицо, уши. Расчесы и вторичное инфицирование приводят к увеличению затылочных и шейных лимфатических узлов. Локализация – волосистая часть головы, особенно затылок, виски.

Лечение

● Пара-плюс. Аэрозольный препарат однократно распыляют на кожу головы, на всю длину волос или на кожу лобка. Через 10 мин. голову моют обычным шампунем и вычесывают мертвых паразитов частым гребешком, который смачивается уксусом, способствующим легкому отделению гнид от волос.

● Спрей-лакс. Аэрозольный препарат наносят однократно на волосистую часть лобковой зоны. Через 30 мин. обработанные участки тела моют с мылом и промывают водой.

● Медифос (флаконы по 24 мл или ампулы по 2 мл). В одну ампулу добавляют 30 мл воды для получения водной эмульсии, которую наносят тампоном на увлажненные волосы. Через 20-25 мин. препарат смывают теплой проточной водой с мылом (можно шампунем).

● Медифос-супер. 20%-ный концентрат предназначен для борьбы с платяными вшами. Разводится в дозе 10 мл на 1 л воды, применяется так же, как и медифос. Постельное и нательное белье замачивают в водной эмульсии в течение 40 мин. (к 40 мл концентрата добавляют 960 мл воды). После дезинфекции белье тщательно прополаскивают и замачивают на сутки в растворе кальцинированной соды (1 ст. ложка на 1 л воды), затем стирают. Обработанными вещами разрешается пользоваться только после их просушки и проветривания.

● Раствор перметрина (0,4%-ный) – шампуни «Дипол», «Нитифор», эмульсия «Педелин».

Требование к результатам лечения: исчезновение зуда, отрицательные паразитологические исследования.

Профилактика: соблюдение элементарных санитарно-гигиенических норм (смена нательного и постельного белья, частые купания, исключение внебрачных половых контактов).

Из книги «Справочник врача общей практики».

За здоровый образ жизни

МЕДИЦИНА И СПОРТ – НЕДЕЛИМОЕ ЦЕЛОЕ

– Всем известно, что любой спорт требует полной отдачи, – говорит врач детско-юношеской спортивной школы № 44 г. Ташкента Хадича Эламановна Кузибаева, у которой уже за плечами 35 лет стажа. – А это значит – терпение, выносливость, трудолюбие. Если квалифицированно построен учебно-тренировочный процесс, то и травматизма нет, не бывают случаи, когда тренер просто не уследил за юным спортсменом, и вот тут могут возникнуть травмы, потёртости, кровотечение из носа, ушибы, растяжение. В этих случаях без нас, меди-

ков, здесь не обойтись, – продолжает Хадича Эламановна. – Конечно, чаще такие неприятные случаи возникают на соревнованиях. Причина этому – плохая разогретость тела, неумение падать, ослабленный организм и так далее. Чтобы этого избежать, наш медпункт проводит контроль за санитарным состоянием помещения (раздевалки, туалета, зала), книжки спортсмена, проводим антропометрию его тела, диспансеризацию, ведётся медицинская документация. У новичка, пришедшего в спортзал, требуем справку от педиатра из поликлиники.

Постоянно проводится санитарно-профилактическая работа по предупреждению заболеваний, следим за состоянием кожи, гигиеной тела, объясняем симптомы различных заболеваний, таких как педикулез, фарингит, ангина, грипп, гепатит и о других причинах плохого самочувствия. Стараемся совместно с тренерами предупредить все отрицательные моменты, мешающие нормальной тренировке. Сам медицинский пункт работает с понедельника по субботу с 10 часов утра до 17 вечера.

Мне нравится здесь работать – отличный коллектив, много детей, желающих



заниматься спортом, они весёлые, озорные, приветливые и пышущие здоровьем, а потом тут приятная аура, хочется делать для них что-нибудь полезное. Я рада, что мой труд нужен этим юным спортсменам.

А. ПОПОВ.
Фото автора.



Ўн саккиз минг оламнинг тирик мавжудотлари қаршисида лол қоласан, киши. Улар яшаш учун курашиб, ўз ризқ-насибасини она сайёрамиздан ахтаришади. Қаранг, наъматак шохи, қор ва қуш! Нақадар бир-бирига мос ҳолат, гўёки қуш бошқа ёққа учиб кетса, бу гўзалликка путур етадигандек...

ОБЪЯВЛЕНИЯ

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан объявляет о проведении конкурса на знак и логотип «Почетный донор Республики Узбекистан» Объявляется конкурс на создание нагрудного знака «Почетный донор Республики Узбекистан»

Необходимо обратить внимание на духовные, морально-нравственные и эмоциональные стороны для раскрытия заданной темы.

Тема конкурса:

Знак (трехмерный), логотип (для документов на бумаге).
Заданная тема (капля крови, процесс передачи крови от человека человеку, от сердца, наполненного кровью, сердцу его получающего, надпись "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAXRIY DONORI") и творческий подход художника.

Условия конкурса:

1. В конкурсе принимают участие только художники-профессионалы.

2. Размеры и материалы авторы вправе выбирать самостоятельно и предоставить для утверждения в жюри в оформленном виде (электронный вариант и распечатанный в формате А-4 с описанием знака).

3. Произведения, созданные для заданной темы конкурса, необходимо предоставить с 10 марта до 20 апреля 2014 года в Республиканскую станцию переливания крови Министерства здравоохранения Республики Узбекистан. Работы участникам конкурса не возвращаются.

4. Произведение, оцененное жюри победителем конкурса, будет рекомендовано для реализации.

Победителям конкурса предусмотрено материальное поощрение:

1. Первое место – 500000 сумов.

2. Второе место – 300000 сумов.

3. Третье место – 200000 сумов.

Телефоны для справок: (8371) 250-14-25, 273-63-16.

Контактные лица: Б. И. Муминов, З. Т. Саидвалиев.

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси

Тиббий ижтимоий маркази кўчма тиббий ижтимоий ёрдам бригадасига бир нафар педиатр вакант лавозимига танлов асосида ишга таклиф қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй.

Телефонлар: 232-00-82, 233-89-49.

Ён дафтарингизга ҲАЁТИЙ БИТИКЛАР



● Ҳақиқий инсонда уч нарсаси қаримайди, эскирмайди ва сўнмайди. Бу чин муҳаббат, содиқ дўст ва орзу-умид.

● Кечиримлилиқ – фазилат. Чунки кечиримли киши ҳасад қилмайди, жаҳолатдан ўзини сақлайди, гина ва адоватдан узоқ юради. Кечиримли бўлиш – имондандир.

● Одобсизлик хатонинг дояси, ахлоқсизлик эса нафақат ўзи, балки ўзгаларнинг

хато қилишига ҳам йўл очади.

● Оқил изидан юрсанг, келажак обод, Гийбат изидан юрсанг – ҳаётинг барбод.

Эзгуликка йўл тутсанг

бўлурсан шод,

Хайрли иш номингни

қилур барҳаёт.

● Ғазаб ҳам ёмон, у кимнинг

дир дил ойнасини синдириб

озор еткази.

● Ҳасад – олов, инсон

ҳасад ўтида куйса, кўпроқ ўзи азобланади. Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшанг, деган ҳикмат бор халқда.

● Шифокорнинг битта рақиб бор. У ҳам бўлса дард. Бир умр дардни енгиб, беморни ҳаётга қайтариб яшанган шифокор голибдир.

Отабой МАДАМИНОВ,
тиббийёт фанлари
номзои.

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва уларнинг тиббий-ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш йўлида нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, камқонлик, лейкомия сингари оғир хасталикка чалинган беморларни даволаш, уларга ижтимоий кўмак кўрсатиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Анемия ва лейкомия» хайрия жамоат фонднинг 2013 йилдаги ҳисобот йиғилишида ҳам ана шу масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Йиғилишни кириш сўзи билан очган фонд бошқарув раиси Ш. Шораҳмедов таши-

лотнинг 2013 йилдаги фаолияти ҳамда келгуси режалари ҳақида ахборот берди.

Ҳисобот даврида жамоат фонди томонидан олиб борилган ишлар таҳлил қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан “Экопатоген сифатидаги табиий ва алектментар танқисликка эга эссенциал микронизментларга алоқадор камқонлик ва онкологик қон касал-

ликлари профилактикаси” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бир қанча ишлар бажарилди. Лойиҳа муваффақиятли якунланди. Унинг доирасида илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари ва ўқув машғулоти ташкил этилди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ўтказилаётган хайрия тадбирларига кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадида кўнгилли-волонтерлар институти тайёрланди. Беморларга байрамларда хайрия ёрдамлари берилди. Шунингдек, клиникаларда меҳнат қилаётган фаол гематолог-трансфузио-

логлар ҳам мунтазам тақдирланиб келмоқда. Раис Ш. Шораҳмедов келгуси режалар ҳақида гапирар экан, жумладан келажакда жамоат фонднинг расмий веб-сайтини яратиш, жойларда филиалларини очиш, муҳтожларга тизимли ва манзилли ёрдам кўрсатишни давом эттириш мақсади турганлигини алоҳида таъкидлади.

Кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан фонднинг тафтиш комиссияси раиси Д. Маҳмудова сўз олиб, ташкилотнинг 2013 йилдаги молиявий аҳоли ва тушумлари, сарф-харажатлар сме-

таси ижросига урғу берди. Ҳисобот даврида режадаги жами тушумлар 38 247,6 минг сўм ўрнига 54 007,6 минг сўм, яъни 141,2 фоизга бажарилган. Грант лойиҳаси маблағларидан ҳам самарали фойдаланилган.

Жамоат фонднинг 2014 йилдаги сарф-харажатлари хусусида ахборот берган ижорчи директор А. Туробовнинг фикрича, жорий йилда умумий тушумлар 30,0 млн. миқдорида режалаштирилган. Ойлик маошлар ва унга тенглаштирилган тўловлар умумий маблағнинг 18,9 фоизини ташкил этади. Бошқа тадбирлар учун эса 22 805,9 минг сўм, яъни барча маблағнинг 68,5 фоизи назарда тутилган.

Юқоридаги масалалар юзасидан фонд васийлик кенгаши ва бошқарувнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Сарҳисоб ва режалар

ФАОЛИЯТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 8590 нусха.
Буюртма Г-259.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

